

Ҳадис дарслари (235-дарс) Маййитни ювган киши ғусл қилиши керакми?



19:00 / 14.06.2023 3118

أَنْعُلَىٰ يَضْرَبَ شَيْعَنْ
يَلْصِي بَنْلَىٰ لَيْسٌ : تَلَاقٍ
لُجْرَلِنْعَمْلَسَوْهَيْلَعُولَلَا
رُكْذَي ٢٠٠٠ لَلَّبْلَأْدِجَي
نَعَوْلَسَتْعَي ٤٠٠٠ لَاقَ ٤٠٠٠ مَالْتْحَا
الَّوَمَلْتْحَادَقْنَأَيَرَي لُجْرَلَا
لُسْغَالَ ٤٠٠٠ لَاقَ لَلَّبْلَأْدِجَي

مْيَلُسْ مْ تَلَاقَفَ يَلَعْ
يَلَعْ كَلَذَى رَتْهَارِمْلَا
أَمْنِإِ مَعَنْ لَاقْ كُلْسُغْ
أَوْرَ لَاجَرْلَاقْشُعَسْنَلَا
يَذْمَرْتَلَادُوَادُوبَأَ.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ҳұлни күрган, лекин әхтиломни әслай олмаган одам ҳақида сүралди. У зот:

«Ғұсл қиласы», дедилар. (Тушида) әхтилом бүлганини күрган, лекин үнгіда ҳұлни күрмаган одам ҳақида (хам сүралдилар) У зот:

«Үнга ғұсл вожиб әмас», дедилар.

Бас, Үмму Сулайм:

«Аёл киши ҳам үшани күради. Үнга ҳам ғұсл вожиб бүладими?» деди. У зот:

«Ха, албатта, аёллар әркакларнинг туғишганларидир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилғанлар.

Ушбу ҳадисда баён қилинаётган масала күп учраб туралған, айниқса ёшларда тез-тез такрорланадиган масаладир. Шунинг учун саҳобаи киромлар томонидан Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга бу ҳақда савол берилди.

Бир одам тушида ғұсл вожиб бүладиган бирор нарсаны күрганини әслай олмайды. Лекин баданида, кийимида ёки ётған жойида манийнинг ҳұлини күради. Нима қилиш керак? Албатта, ғұсл қилиш вожиб, акс ҳолда

гуноҳкори азим бўлади.

Бошқа бирор тушида жинсий алоқани кўрган, аммо уйғонса, ҳеч қаерда манийнинг ҳўли йўқ. Ундан одамга ғусл вожиб бўлмайди. Чунки ундан воқеликда ғусл вожиб бўладиган нарса чиққан эмас.

Мана шу масалалар ҳақида савол-жавоб бўлиб турган жойда Умму Сулайм розияллоҳу анҳо ҳам бор эканлар. У киши фурсатдан фойдаланиб:

«Аёл киши ҳам ўшани кўради. Унга ҳам ғусл вожиб бўладими?»
деди.

Яъни, аёл киши ҳам эҳтиломни кўрмайди-ю, ҳўлни кўради. Унга ҳам ғусл қилиш вожиб бўладими, дедилар.

Бу саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ижобий жавоб бериб:

«Ҳа, албатта, аёллар эркакларнинг туғишганлариридир», дедилар.

Бу, ҳа, аёл кишига ҳам ғусл вожиб бўлади. Аёл киши ҳам худди эркак кишига ўхшаш, деганлариридир.

Ушбу ҳадисдаги хукмларни ҳар бир киши яхшилаб ўрганиб олиши зарур. Айниқса, энди балоғатга етган ёшларга ўргатиб қўйиш лозимки, улар эътиборсизлик илиа гуноҳкор бўлиб қолмасинлар.

وَعَنْ نَبِيٍّ أَنَّهُ لِلْمُؤْمِنِينَ لَعْنَةٌ وَمَنْ يَرَهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ
وَمَنْ يَرَهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт нарсадан ғусл қилар эдилар: жунубликдан, Жумъа куни, қон олдирган ва майитни ювгандан (кейин)».

Абу Довуд ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда Оиша онамиз Пайғамбаримиз қиладиган ғуслларнинг баъзи сабабларини айтмоқдалар.

Ҳадиси шарифда:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт нарсадан ғусл қилар эдилар» дейилганидан бу тўрт нарсадан бошқа нарсадан ғусл қилиб бўлмас экан, деган фикрга бормаслик керак. Бошқа ҳадислардан бу ҳақиқат зоҳир бўлади. Мисол учун, икки ийд кунлари ва Арафот куни ғусл қилиш марғубдир.

Аммо бу ҳадисда фақат тўрт нарса зикр этилмоқда:

1. «Жунубликдан».

Бу ҳақда муфассал сўз юритилди.

2. «Жумъа куни».

Бу ҳақда кўплаб ҳадислар келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жумъа намози учун ғусл қилганлар, бошқаларни ҳам ғусл қилишга буюрганлар.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда «Жумъанинг ғусли ҳар бир эҳтиломга етган учун вожибдир», дейилган.

Бу маънодаги ҳадислар кўп. Шунинг учун ҳам баъзи мазҳабларда Жумъа кунги ғусл суннати муаккада дейилган.

Ҳанафий мазҳабида эса жумъа кунги ғусл суннат дейилган.

3. «Қон олдиргандা».

Ўтмишда махсус услуг билан қон олдириш одати бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам қон олдиргандар. Ундан кейин эса ғусл қилганлар. Чунки баданга қон сачраш эҳтимоли кучли. Ҳанафий мазҳабида

бу масала тўлиқ ўрганиб чиқилиб, «Қон олдиргандан кейинги ғусл мандубдир», дейилган.

4. «Маййитни ювгандан (кейин)».

Бу масалада келган ҳадисларда ихтиёр маййитни ювган одамнинг ўзига қўйилганлиги мулоҳаза қилинади. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда: «Маййитни ювар эдик. Бас, биздан баъзиларимиз ғусл қиласар эдик. Баъзиларимиз ғусл қилмас эдик», дейилган.

Бошқа бир ҳадисда эса: «Албатта, маййитингиз пок ҳолида ўлади. Қўлларингизни ювиб олсангиз бўлади», дейилган.

Ушбу ва бошқа ҳадисларни ҳисобга олиб, Ҳанафий мазҳабида «Маййитни ювган одам ғусл қилиши мандуб», дейилган.

Бундай ҳолда битта ҳадисни ўқиб олгач, ўшанга қараб ҳукм чиқариб, кишиларнинг бошини қотирмаслик керак. Тажрибада шундай ҳолатлар ҳам бўлган. Ҳадис китобларининг биридан баъзилар:

«Ким маййитни ювса, ғусл қилсин, ким уни кўтарса, таҳорат қилсин», деган ҳадисни ўқиб олиб, кишилар ўртасида ихтилоф чиқарганлар.

Ҳолбуки, ўша одамлар бу масаладаги бошқа ҳадисларни ҳам ўқисалар, бу ҳадислар асосида уламоларимиз олиб борган илмий баҳсларни ўргансалар, ихтилофга ҳеч ўрин қолмайди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хulosasi асосида чоп этилган.